

ЭЛЕВАТОРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН КОНСТРУКЦИЯСИ**Турдиев Б.Э***Термиз муҳандислик –технология институти, ассистент***Росулов Р.Х***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, т.ф.д., профессор***Райимкулов Ж.К***“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ к.и.х., (PhD)*

Ҳозирги кунда пахта тозалаш корхоналарида уруғлик чигит ишлаб чиқариш келгуси йил ҳосил учун асосий замин ҳисобланади. Уруғлик чигит ишлаб чиқаришда аррали жинлар ва линтерларда қайта ишланган пахта хом ашёси ва чигит элеваторлар ёрдамида кейинг жараёнга узатилади.

Пахта тозалаш корхоналарида пахта хомашёси, чигит ва турли ифлос чиқиндиларни ташишга мўлжалланган вертикал йўналишдаги ЭХС русумли элеваторлар қўлланилади. Элеваторлар иш бажариш хусусиятига қараб, тарокли лентали (пахта хомашёсини ташишда) ва чўмичли лентали (чигит ва турли ифлос чиқиндиларни ташишда) қўлланилади [1].


Муаллифлар [2] томонидан таклиф этилган конструкцияда пахтани технологик жараёнга узатишда унинг шикастланишини олдини олиш мақсадида лента ўрнига роликли рольганг ўрнатишни таклиф этишган.

Шунингдек, пахтани ташишда унинг шикастланишини камайтириш мақсадида такомиллаштирилган конструкция таклиф этилган [3].

Ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида, картошка ишлаб чиқаришда ҳам элеваторлар қўлланилиб, картошка йиғиб олишда модернизация қилинган сепарацияловчи элеватор ишлаб чиқарилган [4].

Мазкур таъкидланган элеватор қуйидаги асосий қисмлардан иборат: бош қисм, бошмоқ, ҳаракатлантирувчи мослама, қувурлар тўплами, тарокли лента (пахта ташишда) ёки чигит ва чиқиндилар ташишда чўмичли лента.

Чигит ва бошқа чиқиндиларни 3640–25160 mm баландликка ташиш учун ЭС-14М русумли чигит ва ЭС-14С русумли чиқинди элеваторлари қўлланилади. Мазкур элеваторларнинг конструкциялари ЭХ-15М1 русумли элеваторникига ўхшаш бўлиб, унинг қуйидаги фарқли томонлари мавжуд: лента кенглиги 350 mm, резиналанган, тўрт қатламли, иккита резина қопламали ва унга сиғими 1,5 L бўлган, ҳар 1 метрига 7 донадан чўмичлар ўрнатилган. ЭС-14С русумли чиқинди элеваторининг лентасига олди тароқсимон чўмичлар ўрнатилган (1-расм). 1-, 2- ва 3-жадвалларда элеваторларнинг техник характеристикалари келтирилган.



1-расм. ЭС-14С элеваторининг чўмичли лентаси схемаси

1-лента; 2-чўмичлар; 3-олди тароқсимон чўмичлар; 4-бурчакли темир; 5- болт, шайба ва гайка; 6-чўмичларни лентага маҳкамлаш

1- жадвал

ЭХС элеваторининг техник характеристикаси

Кўрсаткичлар	Кўрсаткич миқдори
Иш унумдорлиги, т/с:	
а) тасманинг ҳаракати йўналиши бўйича юк ортилганда:	
-пахта бўйича	20
-чигит бўйича	35
б) тасма ҳаракатланишига қарши юк ортилганда:	
-пахта бўйича	12
-чигит бўйича	25
Ўрнатилган қуввати, кВт	3,0
Барабаннинг айланиш частотаси, айл/мин	112
Тасманинг эни, мм	500
Габарит ўлчамлари, мм:	
-узуنлиги	1836

-эни	1557
-баландлиги, мм:	
-ЭНГ ками	5259
-ЭНГ кўпи	15259

2-жадвал

ЭХ-15М элеваторининг техник характеристикаси

Кўрсаткичлар	Кўрсаткич миқдори
Иш унумдорлиги, т/с (пахта бўйича)	15
Барабанлар диаметри, мм	630
Айланиш частотаси, айл/мин	55
Лента кенглиги, мм	500
Лента тезлиги, м/с	1,8
Лентанинг 1 метр узунлигидаги тароқли чўмичлар сони, дона	1,65
Тароқли чўмичлар қадами, мм	600
Ўрнатилган қуввати, кВт	2,2
Ўлчамлари, мм:	
-узунлиги	2457
-кенглиги	950
-баландлиги	4130-18130
Массаси, кг	1020-2110

3-жадвал

ЭС-14М элеваторининг техник характеристикаси

Кўрсаткичлар	Кўрсаткич миқдори
Иш унумдорлиги, т/с	14
Барабанлар диаметри, мм	500
Лента тезлиги, м/с	1,4
Лента кенглиги, мм	350
Лентанинг 1 метр узунлигидаги чўмичлар сони, дона	7
Элеваторнинг таг қисмидан юқори барабан ўқигача бўлган баландлиги, мм	7640
Ўрнатилган қуввати, кВт	2,2
Массаси, кг:	
-элеватор боши	394
-бошмоқ	127,7
-люки бор қувур	69,2
-1 метр узунликдаги чўмичли лента	8,5

Пахта тозалаш корхоналарида чигитларни корхона ичидаги технологик машинларда ташишда бир қатор шикастланишлар содир бўлиб, уларни камайтириш мақсадида элеваторларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пахтани дастлабки ишлаш бўйича справочник. Т.М.Кулиев тахрири остида. Тошкент, “Мехнат”, 2019, 479 бет.
2. Корабельникова Т.Н., Джамолов Р.К. Аналитический обзор научно-исследовательских работ по механизации приемки хлопка-сырца с разработкой новой конструкции устройства. Журнал UNIVERSUN: Технические науки. 2021, №2 (83), с. 48-51.
3. Ш. Алакбаров. Перегрузатель хлопка передвижной марки ХПП // Хлопковая промышленность. 1978 г., № 6, -с. 19.
4. Жбанов Н. С. Обоснование параметров сепарирующего элеватора картофелеуборочных машин. Автореферат на соискание ученой степени кандидата технических наук. Рязань 2022, 18 стр.